

Одам савдоси – жирканч иллат
СИНИҚ ТАҚДИРЛАР
Зўрлик қилган нафс

Отамни эслай олмайман. У бизни болалигимизда ташлаб кетган. Уч болани улғайтириш онамга осон бўлмади. Опамнинг жигари касал, укам эса вақти-вақти билан руҳий касалликлар шифохонасида даволаниб туриши керак.

Ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш учун тоғамнинг ёнига, Булунғурга кўчиб бордик. Шу ерда турмушга чиқдим, бир йил деганда ўғилли бўлдик. Қайнонамга ёқмасдим, ижарага чиқдик. Топиши-тутишининг тайини йўқ эрим ичкиликка ружу қўйди. У билан ёшимиз орасида фарқ катта бўлгани учунми, келиша олмасдик.

Ажралишганимизда иккинчи фарзандимга ҳомиладор эдим. Бу орада опам жигар циррозидан вафот этди. Жиззахга кўчдик. Туғилган жойим Сардобага бормасликка қарор қилгандик. Онам ортиқча гап-сўзлардан қочганди. Балки аламли ўтмишини эслатувчи жойларга бориси келмагандир. Аслида ўз уйимиз бўлмагач, қаерда яшашимизнинг фарқи йўқ эди.

Онам нон сота бошлади. Мен ҳам иш қидира бошладим, икки болам билан унга юк бўлмаслигим керак эди, бечорага укамнинг ташвиши етиб ортарди. Шу боис қўшни квартирада ижарада турадиган раққоса аёллардан бири: “Кўркамгина экансан, тўйга чиқсанг бўлмайдами, рақсни ўзим ўргатиб кўяман”, деганида дарҳол рози бўлдим.

Ҳирс ёки нафрат билан тикиладиган нигоҳлар ҳамда мастларнинг хиралигига чидасанг бўлди экан. Одамларга эътибор бермасликка ўргандим. Халқимиз қизиқ, емайди-ичмайди, бир кунлик тўйга борини тўкиб солади. Тўй кўпайган пайтлари пулим ортишадиган бўлди.

Аммо ҳамма фаслда ҳам тўй бўлавермайди, буёғи лицензия сўраб бошладилар. Россияга кетишга қарор қилдим, у томонларда ишлаб, уйига яхшигина пул жўнатаётган танишларим бор эди. Қишда иложини қилиб Самарага етиб олдим, кафедра идиш-товоқ ювардим. Изғирин баданни тешиб юборай дейди, кундузи бир амаллаб чидаса бўлади. Лекин ярим кечасигача ишлайдиган кафедра ҳаммадан кейин қолиб, ишлаш осон эмасди. Берадиган пулининг ҳам тайини йўқ эди.

Тик туришдан оёқларим, сувга тикаверганимдан қўлларим шишиб кетарди. Иш қидираётганимни сезгандек илгари тўйларда бирга раққосалик қилган дугонам интернет орқали боғланди ва Дубайда гўзаллик саломида фаррошлик қилиб, ойига минг доллар топишим мумкинлигини билдирди.

Танишим ишхонасининг суратларини тез-тез жўнатарди, кўп ўтмай салон хўжайини Равшана исми аёл билан гаплаштирди. Унинг илиқ сўзларини эшитиб, эриб кетишимга оз қолди. Ижарада яшаётган онам, икки болам ва укамни ўйладим.

Ваъда қилганидек Равшана йўл харажатларини кўтарди. Билет бўлишига қарамасдан ҳужжатларимдаги камчилик сабаб аэропортда ушлаб

қолишди. Равшана Россиядаги танишлари билан гаплашиб, мени Озарбайжон орқали чиқариб юборди.

“Кўникиб кетасан...”

Дубайда кутиб олган Равшана меҳмонхонага жойлаштириш учун паспортимини олди. Хонада 5 та қиз бор эди, улардан бири: “Сен ҳам гўзаллик салонида ишлаш учун келдингми”, дея совуқ илжайди. Маълум бўлишича, бу ердагиларнинг ҳаммаси фоҳишалик қилар экан. Фақат Равшанагина кундузи гўзаллик салонида ишлармиш. Ўзимни ланъатлай бошладим. Бошқа нима кутгандинг, аёл бошинг билан ўзга юртда бало бормиди? Қўрқувдан ичимга титроқ кирганди. Қизлардан бири таскин бера бошлади: “Кўникиб кетасан...”

Кечга яқин Равшана иккита араб билан кириб келди. Бу пайтда қизлар кийинишаётган эди. Равшана менга қараб: “Бугундан бошлаб эркакларнинг кўнглини овлайсан, сен учун 6 минг доллар сарфладим, рози бўлмасанг, манов иккови сени хароб қилади, қумда ўлигингни ҳеч ким топа олмайди”. Мен қочиб кетишимни айтганимда, юзимга кетма-кет шапалоқ туширди. Йиқилганимдан сўнг тўғри келган жойимга тепа бошлади.

Икки эркак ўқрайиб қараб туришарди, “бос” деган буйруқни кутишарди, назаримда. Хушимни йўқотдим. Равшана юзимга сув сепар экан, деди: “Ҳеч қаерга кета олмайсан, паспортинг менда, Ўзбекистондан қонунни бузиб чиқиб кетгансан, бу ерга қонунни бузиб киргансан, полицияга борган тақдирингда ҳам қамаласан, араб қамоқхонасида аёлларни нима қилишади, биласанми, нозиккина экансан. Ишламсанг, овқат емайсан, 6 минггни ишлаб берсанг, хоҳла кет, хоҳла топганингни 50 фоизини менга берасан, ўзим ҳимоялайман, ҳозир тур-да, дискога туш”.

Қизлардан бири мени кийинтириб, меҳмонхонанинг пастки қаватига олиб тушди. Диско деганлари рақс зали эди. Шу ердан маст-аласт эркаклар қизларни олиб кетишади. Кечаси соат 12 да рақслар тугагач, эрталабки соат 4 гача меҳмонхона олдида туришинг керак. Бу ердагиларни машинада ўтадиганлар билан кетишади. Қаерда бўлмайлик, икки эркак кузатувида эдик. Кунига бир марта меҳмонхона овқатини беришарди. Пул топмасанг, ўша овқат ҳам йўқ.

Кўшни хонада Равшана бир араб билан бирга яшарди, пулини тўласа, ўзи ҳам тўғри келган билан қовушиб кетаверарди. Мижоз топган кунинг “жоним-жоним”га, аксинча бўлса, “қанжиқ”қа айланардинг. Илгари ҳамшира бўлиб ишлагани учун қизларнинг қаеридир оғриб қолса, ўзи даволарди. Уни бойитганимиз учунгина бизни асрашга ҳаракат қиларди.

“Сал жиннисифат бўлиб қолгандик”

Айтганларидек, мен кўниккандим, бу ерда фоҳишалар хизмати учун 50 ёки 100 доллар тўлашарди, пулни Равшана оларди. Ит азоби бошимизга тушганди, сал жиннисифат бўлиб қолгандик. Бўлар-бўлмасга кулардик, ҳазилларимиз, гапларимиз топиш-тутишимизга мос ордан йироқ эди. Ўз кайфиятингни кўтариш тирик қолишинг, ўйланавериб, ўзингни ўзинг еб қўймаслигининг ягона чораси эди, назаримда.

Равшана тиним билмас, дам бизларни ишчилар шаҳарчасига олиб бориб, туни билан 5-6 тасига қўшарди, дам бойларнинг виллаларига элтарди. Қизлар ора-сира йиғлаб-сиқтаб, касал онаси ёки боласини даволатиш учун пул сўраб оларди. Уйга жўнатилган пуллар озиқ-овқат, кийим-кечак, атир-упа харажатларига қўшилиб, бизни тобора қарз ботқоғига ботиради.

Ҳар сафар меҳмонхонага жойлашишимиздан олдин паспортимизни кўрсатишимиз керак эди. Шу боис ҳужжатларимиз доим Равшананинг сумкасида турарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. 26 март куни бизни меҳмонхонага энди киритмоқчи бўлганида Равшанани бир эркак чақириб қолди. Шунда у мен ва яна бир қизнинг паспортини бериб, ичкарига киришимизни буюрди.

Бу қулай имконият эди. Қолаверса, биз Равшананинг пуллари қаерда туришини билардик. Ўша пулларни ўғирладик. Дугонамнинг арабчани оз-моз билиши аэропортгача таксида етиб олишимизда қўл келди. Бир амаллаб Туркияга бордик. Уйга қайтиш учун онамга кўнғироқ қилдим. У ёрдам сўраб Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасига чиққан. Хуллас, элчихона орқали қайтиб келдик.

Ўзбекистондан ноқонуний чиқиб кетганлигим учун жавобгарликка тортилдим. Қисқаси, пул ортидан қувишим кўп ташвишлар келтирди. Қанча-қанчадан хўрликларни бошдан ўтказдим. Кўнглим қорайгани, гуноҳга ботганим, қадрим тупроққа қоришгани қолди. Соғлигимни йўқотдим.

Онам ҳозир ҳам нон сотади, укам вақти-вақти билан даволанаяпти. Болаларим катта бўлишмоқда. Хорижга бормасам ҳам ҳаёт давом этар экан. Ўтмишим ҳақида ўйламасликка, умуман ҳеч нарса ҳақида бош қотирмасликка ҳаракат қилаяпман.

“Ҳар қандай ҳолатда жазосини олади”

— Айни вақтда икки нафар фуқаронинг аризаси асосида Равшана Шаҳриевага нисбатан халқаро қидирув эълон қилинган, унинг одам савдоси билан боғлиқ бошқа жиноятлари тўғрисида ҳам маълумотларга эгамиз, — дейди Жиззах вилояти ИИБ терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармасининг одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўлимининг ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили, капитан Хуршид Эгамбердиев. — Равшана Шаҳриева ҳар қандай ҳолатда жазосини олади. Бўлимимиз ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда одам савдоси қурбони бўлишга мойил шахслар – раққосалар, енгил турмуш кечиришга интилувчилар, ота-она рўхсатисиз уйдан чиқиб кетадиганлар, иқтисодий аҳволи оғир фуқароларни аниқлаб, уларни ишга жойлаштириш, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрмоқда. Бу йўналишда ҳокимлик, хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда “Истиқболли авлод” республика ижтимоий ахборот марказининг Жиззах вилояти бўлими билан ҳамкорлик қилинаяпти. 2018 йилдан бошлаб вилоятимизда эркаклар қарийб одам савдоси қурбонига айланмади. Шунингдек, хотин-қизларнинг мазкур жиноятдан жабрланиш ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Бунга

мамлакатимиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини хорижда ҳимоялашга қаратилган ҳуқуқий асослар мукаммаллашгани сабаб, деб ўйлайман. Ахборот алмашинувининг кучайиши ҳам вазиятга ижобий таъсир кўрсатаётир. Хусусан, Жиззах шаҳрининг Иттифоқ маҳалласида яшовчи шахс жорий йилда одам савдоси жиноятига қўл урганлиги учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилингани ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди. Натижада кўшмачиликни ўзига касб қилган бир нечта фуқаролар ўзларининг жиноий хатти-ҳаракатларини тўхтатишди. Шу маънода, оммавий ахборот воситаларида тарғиботни кучайтираяпмиз. Кузатув ва суриштирув тадбирлари натижасида шу йилнинг ўтган даврида 20 га яқин кишининг одам савдоси қурбонига айланишининг олдини олишга муваффақ бўлдик.

(Жиноят тафсилотидаги исм-шарифлар ўзгартирилган).

Алижон АБДУСАТТОРОВ,

“POSTDA” мухбири.

Жиззах вилояти.